O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING

QARORI

№ 02/18-2-2/R-55

“26” ИЮНЬ 2025 йил Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон Қарори, Вазирлар махкамасининг 2021 йил 4 майдаги қарорига ҳамда “O’zbekgeofizika” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ягона акциядорининг 2025 йил 7 майдаги 84/09-2-qr-сон қарорига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамиятнинг устав капитали камайтирилиши муносабати билан 2023 йил 16 июнда P0456-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган бирламчи акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун Жамият томонидан Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- қўшимча акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2025 йил 13 майдаги 13-756-сонли аризаси;

- Жамият ягона акциядорининг 2025 йил 7 майдаги 84/09-2-qr-сон қарори нусхаси;

- топшириш-қабул қилиш далолатномалари нусхаси;

- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишига киритилаётган ўзгаришлар матни (3 нусха);

- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамиятнинг устав капитали камайтирилиши муносабати билан 2023 йил 16 июнда P0456-12-сон билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Муқаддам 2023 йил 16 июнда P0456-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган қўшимча акциялар чиқарилишига асосан чиқарилган номинал қиймати 286 сўм бўлган 41 783 549 522 сўмлик 146 096 327 дона акциялардан 758 382 482 сўмлик 2 651 687 дона акциялар бекор қилинсин ва жами 41 025 167 040 сўмлик 143 444 640 дона акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Агентликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига (С. Муротов):

– Агентлик томонидан Жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

– ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

Директорнинг биринчи ўринбосари **В. Пак**

«TASDIQLANDI»

“O‘zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyati
Yagona aksiyadorining
2025-yil “7” maydagi
84/09-2-qr-sonli qarori bilan

Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining birinchi o‘rinbosari

_____ **N. Xusanov**

2025-yil «_____» may

«RO‘YXATDAN O‘TKAZILGAN»

O‘zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi

Direktorning birinchi o‘rinbosari

_____ **V. Pak**

2025-yil «26» июня 02/18-2-2/R-555-son

M.O‘.

Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan 2023-yil 16-iyun kuni P0456-12-son bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan “O‘zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyati qimmatli qog‘ozlar chiqarilishi to‘g‘risidagi qaroriga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va (yoki) qo‘shimchalarning
MATNI

Amaldagi tahrir	**Yangi tahrir**
Qimmatli qog‘ozlar chiqarilishi to‘g‘risidagi qarorining davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan sanasi va raqami: 2023 yil 16 iyun kuni P0456-12-son	
Titul varag‘i Egasining nomi yozilgan, hujjatsiz (naqdsiz) shakldagi, nominal qiymati 286 so‘m bo‘lgan 146 096 327 dona oddiy aksiyalardan iborat.	Titul varag‘i Egasining nomi yozilgan, hujjatsiz (naqdsiz) shakldagi, nominal qiymati 286 so‘m bo‘lgan 143 444 640 dona oddiy aksiyalardan iborat.
4-band. Ushbu chiqarilishdagi aksiyalarning soni (dona) – 146 096 327 dona.	4-band. Ushbu chiqarilishdagi aksiyalarning soni (dona) – 143 444 640 dona.
5-band. Ushbu chiqarilishning umumiy hajmi (so‘m) – 41 783 549 522 so‘m.	5-band. Ushbu chiqarilishning umumiy hajmi (so‘m) – 41 025 167 040 so‘m.

Boshqaruv raisi _____ **Yusupjonov Ravshanjon Anvarovich**

Bosh buxgalter _____ **Boyniyozov To‘lqin Bozorovich**

Sana: 2025-yil «____» _____